БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 44 (19.420). • 1986 йил 21 февраль, жума • Баҳоси 3 тийин.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қомитети Бюроси навбатдаги мажлисида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш хусусида партия, совет ва хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга қаратилган тадбирларни кўриб чиқди. Меҳнат коллективлари юқори сифат билан ишлаши учун зарур ташкилий, иқтисодий ва техника шароитларини яратишга, социалистик мусобақанинг ролини кучайтиришга, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлигини ривожлантиришга ҳамда маҳсулотнинг тегишли сифатини таъминлаш учун кадрлар масъулиятини оширишга қаратилган бир қанча конкрет тадбирлар белгиланди.

Партия комитетлари, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, министрликлар ва идораларнинг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни янада кучайтириш борасидаги навбатдаги вазифалари муҳокама қилинди. Бу ишга тағин ҳам кенгроқ, умумхалқ иши тусини бериш, ҳар бир коллективда ичкиликбозлик, меҳнат интизоми ва тартибни ҳар қандай бузишларга муросасиз муносабатда бўлиш вазиятини вужудга келтириш зарурлиги таъкидланди. Партия ва ҳукуматнинг тегишли қарорлари сўзсиз бажарилиши учун, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилаётган ходимларга нисбатан либералларча кўнгилчанлик билан муносабатда бўлиш фактлари учун мансабдор шахслардан қаттиқ талаб қилиш, бундай ҳолларнинг ҳар бирига принципиал баҳо бериш зарур деб топилди.

Савдо министрлиги ва «Ўзбекбирлашув» правлениеси аппарати партия бюролари, раҳбарлари зиммасига умумий овқатланиш корхоналарининг профилларини ўзгартириш, қўшимча равишда десерт, болалар ва сут кафелари, витамин барлари барпо этиш йўли билан товар обороти умумий ҳажмида вино-арақ салмоғини изчиллик билан камайтириш вазифаси юкланди. Наркология муассасалари тармоғини ривожлантириш, маъмурий практикани такомиллаштириш, спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришни планли асосда камайтириб бориш, мева ва узум шарбати ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирлари ҳам белгиланди.

Партия комитетларига, Узсовпрофга Ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамиятлари фаолиятини активлаштириш таклиф этилди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хилларини ошириш ҳамда сифатини яхшилаш учун ўтказилган республика социалистик мусобақаси 1985 йил тўртинчи квартали якунлари кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг қарори матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси республиканинг социал ва иқтисодий ривожлантиришга партиявий раҳбарликка оид бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди ва тегишли қарорлар қабул қилди.

## ҚУРОЛСИЗЛАНИШГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯГА

Қуролсизланишга бағишланган конференциянинг навбатдаги сессиясига тўпланган давлатларнинг вакилларини табриклайман.

Совет Иттифоқи қуролсизланишга бағишланган конференцияда ўзининг қатнашишига зўр масъулият билан қарайди, айни қуролсизланиш янги, одилона халқаро тартибларни қарор топтиришнинг, хавф-хатарсиз дунёни барпо этишнинг катта йўли эканлиги тушунчаси шу масъулиятни тақозо этади. Айни қуролсизланиш жуда катта моддий ва интеллектуал ресурсларни бўшатиб олиб, уларни бунёдкорлик, иқтисодий тараққиёт ва равнақ мақсадларига хизмат қилдириш имконини беради.

Инсоният ўз тарихининг бурилиш пайтига етиб келди, эндиликда инсоният бундан буёнги йўлни танлаб олишни — ё хавфсизликка зўравонлик позицияси ва ҳарбий-техникавий ечимлар воситаси орқали қаралган ўтмиш сарқитларини тугатиши ёки қуролланиш пойгасининг — ядровий, химиявий, келгусида эса бундан ҳам даҳшатлироқ бошқа қуроллар пойгасининг тутқини бўлиб қолиши лозим бўлган даврга етиб келди.

Чунончи, ақл-идрок тақозо этадиган йўл билан, фалокатга олиб борадиган йўлдан бирини танлаб олиш ижтимоий тузумидан ва иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъи назар барча давлатлар фақат биргаликда танлаб олиши мумкин бўлган йўлдир. Бу иш дадиллик ва масъулият билан қилиниши лозим ва қуролсизланишга бағишланган конференцияда вакиллари қатнашаётган давлатларга айнан шундай қилиниши кўп жиҳатдан боғлиқдир. Эндиликда қуролланиш пойгасини фақат бир йўналишда секинлаштирадиган, аммо бошқа йўналишларда эса икки ҳисса зўр куч билан тезлаштирадиган тарздаги чалакам-чатти қарорлар билан чекланиб бўлмайди.

Бошқача қилиб айтганда, биз ҳар бир кишининг хавфсизлиги ҳамманинг хавфсизлигини ҳам билдирмоғи учун планетамизни ядровий ва бошқа қуролдан халос қилиш каби шахдам одимлар билан биргаликда ҳаракат қиладиган пайтимиз келди.

Совет Иттифоқи бу мулоҳазаларга амал қилиб, шу йилнинг бошида комплекс планни ўртага қўйди, ядро қуролини йўқ қилиб ташлашнинг босқичма-босқич программаси шу планнинг марказий элементидир. Биз Хиросима ва Нагасаки фожиаси вақтидан буён халқларнинг боши узра таҳлика солиб турган хавф-хатарни шу асрнинг охиригача узил-кесил ва абадул-абад даф қилишни таклиф этяпмиз. Энг катта ядровий қудратларга эга бўлган Совет Иттифоқи билан АҚШ биринчи ҳал қилувчи қадам қўйишларини, уларнинг кетидан бошқа ядровий давлатлар ҳам эргашишларини адолат тақозо этмоқда.

Инсониятни ядро уруши хавфидан фақат битта — бевосита йўл бўлган — ядро қуролининг ўзини йўқ қилиб ташлаш йўли билан халос этиш кераклигига бизнинг ишончимиз комил. Объектив реалликка кўра, «самовий урушлар» қуролининг яратилиши ва жойлаштирилиши ҳамма жабҳалар бўйлаб қуролланиш пойгасини авж олдириб юбориши муқаррар. Шу сабабли аввал бошданоқ зарбдор космик қуролларни самарали равишда халқаро миқёсда тақиқлаб қўйиш зарур.

Совет Иттифоқи химиявий қуролни ҳам аср охиригача батамом тугатишни, шу масалага оид конвенциянинг ҳаддан ташқари чўзилиб кетган келишиб олинишини қатъият билан олға силжитишни таклиф этади.

Биз ядровий ва химиявий қуролдан холи бўлган дунёни барпо этишни талаб қилиш билан бирга оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучларни қисқартириш соҳасида ҳам бошқа давлатлар тайёр бўлган даражада олға силжишга ҳозирмиз.

Биз қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш соҳасидаги барча амалий тадбирларни таъсирчан контрол ва текшириш тадбирлари билан мустаҳкамлашни таклиф қилаётганлигимизни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. СССР аҳдномаларнинг қатъий бажарилишига ишонч ҳосил қилишдан худди бошқа давлатлар каби манфаатдордир.

Бизнинг планимиздаги қоидаларнинг кўпи қуролсизланишга бағишланган конференцияга бевосита тааллуқлидир.

Конференциянинг кун тартибида синовларни тақиқлаш проблемаси биринчи ўринда турганлигини айтиш кифоя, бу проблеманинг тубдан ҳал этилиши, бизнинг фикримизча, ядро уруши хавфини тугатиш йўлидаги курашда бурилиш нуқтаси бўлиб қолиши мумкин.

Совет Иттифоқи бунинг учун ўз томонидан имкони бўлган ҳамма ишларни қилиб келди ва қилиб келмоқда, шу жумладан у ядро қуроли синовларининг тақиқланиши устидан энг қаттиқ контрол ўрнатилишига ҳамда жойларда инспекция ўтказилишига ва сейсмологиянинг ҳамма ютуқларидан фойдаланилишига розидир.

Маълумки, бултур СССР яхши намуна кўрсатиш истагида ҳар қандай ядровий синовларни ўз ташаббуси билан тўхтатиб қўйди, сўнгра бу синовларни тўхтатишни 1986 йилнинг 31 мартигача узайтирди. Синовларни мана шундай тўхтатиб қўйиш бундан буён ҳам давом этиши, унинг икки томонлама ва сўнгра кўп томонлама тадбирга айланиши ҳозир, аввало АҚШга боғлиқ бўлиб турибди.

Конференцияда қатнашувчи давлатлар конференциянинг ўзи ядро қуроли синовларини барча томонидан, ҳамма жойда ва абадий равишда батамом тўхтатилишига олиб бора оладиган амалий музокараларга киришиш мумкин бўлган тарзда ҳаракат қилишни талаб этиб чиқади, деб умид қилгимиз келади.

Конференция қатнашчиларига ўз олдиларида турган масъулиятли вазифаларни ҳал этишда муваффақиятлар тилайман.

**М. ГОРБАЧЕВ.**

## ДЎСТОНА УЧРАШУВ



Суҳбат бошланиши олдидан. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

19 февраль куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев расмий дўстлик визити билан СССРга келган ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси З. Месснер билан учрашди.

З. Месснер М. С. Горбачевга ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси В. Ярузельскийдан ишда муваффақиятлар тилаб билдирилган самимий истаклар топширди. М. С. Горбачев ҳам В. Ярузельскийга, Польша раҳбарларига Польшадаги социализмни мустаҳкамлаш йўлида янада олға боришларини тилади. У КПССнинг ПБИП билан ҳар томонлама алоқаларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга интилаётганини ҳам таъкидлади, бу алоқалар совет ва поляк халқларининг туб манфаатларига хизмат қилишини уқтириб ўтди.

Суҳбат чоғида Совет—Польша ҳамкорлиги доимо кенгайиб, янги формалар билан бойиб бораётганлиги қайд этилди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг фан-техника тараққиёти комплекс программасини амалга ошириш соҳасидаги ишларни янада зўр ғайрат билан олиб бориш муҳимлиги таъкидланди, бу иш совет ва поляк халқларининг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушади, иккала мамлакатнинг, умуман социалистик ҳамдўстликнинг иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга ёрдам беради.

Халқаро проблемаларни муҳокама қилиш давомида Польша томони шу асрнинг охиригача Ер юзидаги ядро қуролини йўқ қилиб ташлашнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари шу йил 15 январдаги Баёнотида белгилаб берилган программасини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганлиги изҳор этилди. Бошқа социалистик мамлакатлар билан, барча тинчликсевар кучлар билан мустаҳкам ўзаро ҳамжиҳат бўлиб, ядро уруши хавфини даф қилиш, Европада ва умуман дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасидаги куч-ғайратларни оширишга иккала томон аҳд қилганлиги таъкидланди.

Суҳбат самимият ва муҳокама қилинган ҳамма масалалар юзасидан ҳамжиҳатлик муҳитида ўтди. Бу суҳбат совет ва поляк халқлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик ва қардошларча дўстликни мустаҳкамлаш йўлидаги муттасил интилишни тасдиқлади.

(ТАСС).

## ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков ва расмий дўстлик визити билан СССРга келган ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Совети Раиси З. Месснер ўртасида 19 февраль куни Кремлда музокаралар бўлиб ўтди.

Н. И. Рижков ва З. Месснер Совет Иттифоқи билан Польшанинг социал-иқтисодий ривожланиши тўғрисида, КПСС XXVII съездига ва ПБИП X съездига тайёргарлик ҳақида бир-бирларига ахборот бердилар.

Турли соҳаларда Совет-Польша муносабатлари жадал ривожланаётганлигидан ҳар икки томон мамнуният изҳор этди, бу муносабатларни кенгайтириш ва такомиллаштиришда М. С. Горбачев билан В. Ярузельский ўртасида бўлиб ўтган учрашувлар вақтида эришилган аҳдномалар принципиал аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Музокараларнинг қатнашчилари актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олдилар. Ядро ҳалокатининг олдини олиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашда социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини, уларнинг биргаликдаги ҳаракатларини мустаҳкамлаш принципиал муҳим аҳамиятга эга эканлиги уқтирилди.

З. Месснер М. С. Горбачевнинг 1986 йил 15 январдаги Баёнотида таърифлаб берилган кенг кўламдаги янги Совет тинчлик ташаббусларига ПХР юксак баҳо бераётганини айтди. Бу ташаббуслар жаҳон ишларида туб бурилишга эришишнинг реал йўлини очиб беради, 2000 йилгача ядровий, химиявий қуролларни ва ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини ҳамма жойда ва батамом тугатиш имкониятини яратади.

Музокаралар самимий ўртоқлик вазиятида ўтди.

Музокараларда: Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси Н. В. Тализин, бошқа расмий кишилар, Польша томонидан — З. Месснерга ҳамроҳлик қилаётган расмий кишилар қатнашдилар.

Шу куни Совет—Польша бир қанча қўшма битимлари имзоланди.

(ТАСС).

*КПСС XXVII съездининг матбуот марказида*

## АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакат агросаноат комплексининг меҳнаткашлари янги беш йилликни ёрқин истиқболга комил ишонч билан бошладилар. КПСС Марказий Комитетининг 18 февралда бўлиб ўтган Пленумида партия ўзининг XXVII съездига тақдим этаётган ҳужжатлар маъқулланди. Бу ҳужжатларда қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга катта эътибор берилади.

Совет ва чет эл журналистлари учун 19 февраль куни КПСС XXVII съездининг матбуот марказида ўтказилган матбуот конференциясида ишонч билан олға бормоқ учун мустаҳкам база яратилганлиги таъкидлаб ўтилди. Озиқ-овқат программасини амалга ошираётган мамлакат хўжаликлари 1982 йилга нисбатан мол ва парранда гўшти тайёрлашни 15 процент, сут тайёрлашни 17 процент кўпайтирдилар. Дон, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ортди.

Ўтган йиллар мобайнида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, маҳсулот турларини бир текисда кўпайтиришни яхшилаш, агросаноат комплексидаги шериклар ўртасида ҳамкорлик бобида фойдаланилмаётган резервлар борлиги ҳам аён бўлди. Бошқарувнинг мавжуд структураси социалистик хўжалик юритиш системаси замиридаги катта афзалликлардан тўла-тўкис фойдаланишни таъминлай олмади. Шу боисдан ҳам СССР Иттифоқ-республика Давлат агросаноат комитети тузиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Давлат агросаноат комитети бир қанча министрликлар негизида ташкил топди. Унга колхоз ва совхозлардан ташқари гўшт-сут, консерва ва озиқ-овқат саноати корхоналари, қурилиш, ремонт, таъминот ва бошқа бир қанча ташкилотлар кирди. Агросаноат комплексига илм-фан ютуқларини жорий этиш учун масъул бўлган ВАСХНИЛ муассасалари, илмий-тадқиқот, лойиҳа институтлари бу соҳада катта роль ўйнайдилар.

Қишлоқ хўжалиги билан қайта ишлаш саноати, ишлаб чиқариш билан фан ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, биотехнология ютуқларидан фойдаланиш, моддий-техника ресурслари билан таъминлашни яхшилаш ҳамда орттирилган ишлаб чиқариш потенциалидан энг кўп самара олиб фойдаланишга эришиш — агросаноат комплекси фаолиятининг асосини ташкил этади. Мамлакат ягона халқ хўжалик комплексида ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 30 процентдан кўпи агросаноат комплекси ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ҳозир марказда ҳам, жойларда ҳам қайта қуриш ниҳоясига етди. Бошқарувнинг янги структураси хўжалик юритишининг иқтисодий методларидан кенгроқ фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни яна ҳам омилкорлик билан оператив бошқариш, ҳамма шериклар куч-ғайратини юксак пировард натижаларга эришиш учун йўналтириш, Озиқ-овқат программасини амалга оширишни жадаллаштириш имконини беради.

Идоравий тарқоқликка барҳам бериш, ҳар бир корхонада ижодий ва ташаббус кўрсатиб ишлаш учун шароит вужудга келтириш, пировард натижалар учун юксак масъулиятни қарор топтириш учун ҳамма зарур шарт-шароитлар бор. Хўжалик юритишнинг янги шароитларида республика, ўлка, область агросаноат комитетлари ва район агросаноат бирлашмалари (РАПО) ташаббус кўрсатиб ишламоқ учун кенгроқ имкониятларга эга бўлдилар. Эндиликда улар капитал маблағларни, моддий ресурсларни мустақил планлаштириш ва қайта тақсимлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Умуман бутун хўжалик механизмини такомиллаштириш корхоналар мустақиллигини кенгайтириш ва меҳнат коллективлари ташаббускорлигини яна ҳам авж олдиришга қаратилгандир. Агросаноат комплексининг ҳамма корхоналарида, ҳамма ерда хўжалик ҳисобини ва коллектив пудратни жорий этишга, бу комплексга қарашли корхоналарнинг мустақиллигини изчил мустаҳкамлашга ва уларни батамом ўз харажатларини ўзлари қоплашга ўтишига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Эндиликда ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ҳамма шароитлар борлиги таъкидлаб ўтилди. Беш йиллик топшириқлари эса анча тиғиз топшириқлардир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ўртача йиллик ялпи ҳажмини 14—16 процент ошириш мўлжалланган. Масалан, 1990 йилда 250—255 миллион тонна дон йиғиштириб олиш керак. Чорвачиликда ҳам катта вазифалар белгиланган. Гўшт етиштириш 21 миллион тоннага, сут соғиб олиш 106—110 миллион тоннага ва тухум етиштириш 80—82 миллиард донага етказилади. Ана шу марраларни эгаллаш туфайли мамлакат аҳолиси сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан пухта таъминланади. Агросаноат комплексининг меҳнаткашлари КПСС XXVII съездини меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик яна ҳам ошган бир вазиятда кутиб олаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Шу йилнинг ўзидаёқ иш самарадорлигини анча ошириш учун ҳамма имкониятлар бор.

(ТАСС мухбири).

МЕҲНАТДАГИ ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ БИЛАН

## МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

**ГАЗЛИ (Бухоро области), 19 февраль. (ЎзТАГ мухбири А. Фозилов).** Газли шаҳрида бир болгар бригадаси ва иккита ўзбек бригадасидан иборат интернационал коллектив 320 ўринли мактаб қурилишини муддатидан бир ярим ой илгари тугаллади. Карамфил Славчев, Жавгар Камолов ва Тўхтабой Эшмуродов раҳбарлигидаги бинокорлар мактабни КПСС XXVII съезди очилишигача қуриб битказамиз, деб биргалашиб мажбурият олгандилар. Улар шу сўзларини шараф билан адо этдилар.

— Мусобақамиз анъанавий бўлиб қолди, — деди К. Славчев, — меҳнатда беллашиш билан бирга фойдали тажрибаларимизни баҳам кўряпмиз. Бизга маълумки, совет коммунистларининг съезди СССРни ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳасини кўриб чиқади. Бу лойиҳада социалистик мамлакатлар билан қардошларча ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги сатрлар ҳам бор. Тежалган ресурслар фондини яратиб қўйдик. Бу фонд съезд очиладиган кун янги майдонда ишлашимизга бемалол етади.

Халқ Болгариясидан келган бинокор коллективлар бир-бирларини пешма-пеш алмаштириб, Қизилқумда меҳнат қилишаётганига 15 йилдан ошди. Улар нефть ва газ саноати объектларини қурмоқдалар, янги нефть ва газ конларини ишга тахт қилмоқдалар, мактаблар, боғчалар ва бошқа социал, маданий маиший объектлар қурмоқдалар. Улар 1984 йилги зилзиладан сўнг шаҳарни тиклашга катта ҳисса қўшдилар. Миннатдор газлиликлар кўпгина биноларни «Болгар бинолари» деб атамоқдалар. Чўлда биргалашиб барпо этилган кўм-кўк хиёбон эса, «Дўстлик хиёбони» деб ном олган.

## ҚАЛБ АМРИ

**● РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасини ўзлаштираётган ёшлар сафида ўзбек йигит-қизлари ҳам оз эмас.**

Хоразмлик оловқалб комсомол-ёшларнинг бир гуруҳи қалб амри билан Новгородга йўлланма олиб, у ердаги ўзбекистонлик қурувчилар сафига қўшилди. Қўшкўпирдаги 108-механизациялашган кўчма колоннадан зарбдор қурилишга борган комсомол-ёшлар бригадаси Р. Шарипов бошлиқ участкада зиғир заводи қурилишида меҳнат қилмоқда. 11,5 минг тонна зиғир похолини қайта ишлаш қувватига эга бўлган бу корхона ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида ишга туширилади. Шу ерда ишлаётган дурадгорлар Ш. Бекжонов, С. Матниёзов, бетончилардан Б. Машарипов, М. Матёқубов ва бошқалар КПСС XXVII съезди очиладиган кунгача биринчи квартал планини бажаришга қарор қилишган.

**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

ТАСС АХБОРОТИ

## «МИР» ИЛМИЙ СТАНЦИЯСИ ЕР АТРОФИ ОРБИТАСИДА

**1986 йил 20 февраль куни космик фазони тадқиқ қилиш программасига мувофиқ Совет Иттифоқида «Мир» орбитал илмий станцияси учирилди.**

«Мир» станцияси олтита туташтириш узели бўлган янги туташиш системаси билан таъминланган, у одам бошқарадиган ҳамда илмий ва халқ хўжалик вазифаларини бажаришга ихтисослаштирилган орбитал модуллар ўрнатилган кўп мақсадли доимий ишловчи комплексни барпо қилиш учун база блокидан иборат. Станцияда ҳаракатни, станция ичидаги системалар ва илмий аппаратларнинг ишини замонавий электрон-ҳисоблаш техникаси негизида бошқарувчи жараёнлар максимал даражада автоматлаштирилган. Энергия таъминоти системасининг қуввати оширилган, космонавтларнинг ишлаши ва дам олиши учун янада қулай шароитлар яратилган, янги асбоб-ускуналар ўрнатилган.

«Мир» станцияси учишининг илк босқичида унинг конструкцияси элементларини, станция ичидаги системалар ва аппаратларни автомат режимда, сўнгра эса одам бошқарадиган режимда синаб кўриш планлаштирилмоқда. Айни вақтда ретранслятор — йўлдошлардан фойдаланиб, станциянинг учишини бошқариш усуллари пишиқтирилади. Кейинчалик илмий аппаратлар билан таъминланган, ихтисослаштирилган модулларни база блокига элтиб қўйиш кўзда тутилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ер атрофидаги космик фазода иккита Совет орбитал станцияси — «Мир» ва «Салют-7» станциялари ишлаб турибди. Телеметрия ўлчовларининг маълумотларига кўра, иккала станция ичидаги системалар нормал ишламоқда.

Москва яқинидаги бошқарув маркази Совет Иттифоқи территориясида жойлашган кузатув станциялари ва СССР Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот кемалари ёрдамида «Мир» ва «Салют-7» станцияларининг учишини бошқариб турибди ва олинаётган ахборотни ишлаб чиқмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди шарафига «Мир» орбитал илмий станциясининг учирилиши космик фазони ўзлаштиришда янги қадамдир.

(ТАСС).

## «КОСМОС—1733» ПАРВОЗДА

1986 йил 20 февраль куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос — 1733» учирилди.

Йўлдош ичига ўрнатилган илмий аппаратлар космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

### Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

**ЎРТОҚ Қ. Ҳ. МАҲАМАДАЛИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Қудратилла Ҳикматиллаевич Маҳамадалиев Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари этиб тайинлансин, у Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати министри вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри. 1986 йил 20 февраль.

### Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ЎРТОҚ В. И. АНТОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Вадим Игоревич Антонов Ўзбекистон ССР министри этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри. 1986 йил 20 февраль.

### ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

САМАРҚАНД, 20 февраль. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда бўлиб ўтган область партия активи йиғилишида Ўзбекистон Компартияси XXI съезди талаблари асосида аҳолини атеистик руҳда тарбиялашни кучайтиришда область партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев доклад қилди.

